

ИЖОДИЙ ПАРВОЗ

Сомерсет МОЭМ

(Англия)

Форестер хонимнинг илк детектив қиссаси “Ахиллес ҳайкали” чоп этилганда у эллик етти ёшни қоралаб қўйган, бир неча асар муаллифи эди. Бироқ шунга қарамай унинг истеъдоди маҳсуллари оддий ўқувчиларгача етиб бормаган, китобларини танқидчилар нуқул макташса-да, улар сотилмай туриб қолаётганди.

Форестер хоним сиёсатга жуда қизиқар, ҳатто парламент аъзоси бўлиш ҳақида ҳам ўйларди. Фақат номзодини кўрсатадиган партияни танлашда муаммога дуч келарди.

Хонимнинг ҳар шанбада уюштириб турадиган ўтиришларига талабгорлар кўплигига қарамай, фақат санокли кишиларгина унинг меҳмонлари қаторидан жой олишга мушарраф бўларди.

Бу меҳмондорчиликни бузадиган якка-ю ягона шахс Форестер хонимнинг эри жаноб Алберт Форестер эди. Хонимнинг давradoшлари унга зерикарли одам, деб қарашар, Форестер хоним нима жин уриб бу кимсага турмушга чиққан ўзи, деб бир-бирларидан сўраб туришарди. Алберт Форестерга улар филателист, деб лақаб қўйишган. Сабаби бир сафар қайсидир ёш ёзувчи унинг марка йиғишга қизиқишини айтганди.

Сизга очигини айтсам, Алберт оддийгина, ўртамиёна тадбиркор эди. Эгнига кийган камзуллари доим оҳори тўкилиб, эскирганга ўхшаб кўринар, ўзи ҳам бошини солиб, маънос тортиб ўтирар ва ҳеч қачон эшитишга арзигули бирор оғиз гап айтмасди. Лекин Форестер хоним эрига меҳрибон эди. Алберт ёнида ўтирганда унинг устидан кулмоқчи бўлганларни уялтириб қўйишни хоним яхши уддаларди.

Форестер хонимнинг адабий фаолиятида жиддий бурилиш ясаган воқеа у уюштирган энг жонли ўтиришлардан бири якунлай деб қолганда содир бўлди. Меҳмонлар давра қуриб ўтиришар, Форестер хоним эса ўртада. Хоним мароқ билан гапирар, бошқалар ора-сира савол ташлаб унинг маърузасини жон қулоқлари билан тинглаётганди. Бир маҳал кутилмаганда қарсиллаган товуш чиқиб оғир нарса қулагандай бўлди, кейин ташвишли овозлар эшитилди.

— Нима бўлди, Картер? — сўради Форестер хоним хизматкоридан. — Уй қулаяптими?

— Бу янги ошпазнинг кутиси, мэм, — деди хизматкор. — Юк ташувчи кутини олиб қираётиб тушириб юборди. Шунга ошпазнинг жаҳли чиқаяпти.

— Янги ошпаз деганингиз нимаси?

— Миссис Булфинч бугун кундуз кетиб қолди, мэм, — деди хизматкор.

— Жаноб Форестернинг бундан хабари борми? — сўради хоним. Дарвоқе, хўжалик ишларини хонимнинг эри назорат қиларди. — Жаноб Форестер келганда унга гапим борлигини айтинг.

— Жаноб Форестер кетган, мэм, — жавоб қилди хизматкор. — Уни сўраганингизда мана бу хатни бериб қўйишимни буюрганди.

Хизматкор хонадан чиқди ва Форестер хоним хатни очди. Хонимнинг дугоналаридан бири менга: хатни ўқиётган миссис Форестернинг авзойига қараб, ошпазнинг кетиб қолишига йўл қўйгани учун жазоланишдан қўрққан шўрлик Алберт энди ўзини Темза дарёсига ташласа керак, деган хаёлга бордим, деб айтди.

Хатни ўқиб Форестер хоним:

— Ох, бу қандай хиёнат!? Қандай даҳшат! — деб чинкириб юборди.

— Нима гап Форестер хоним? — сўради унинг ходими жаноб Симмонс.

— Ўқинг, — деди хоним. — Бир ўқиб кўринг.

Кўзи хиралашиб қолган жаноб Симмонс кўзойнагини тақди ва хатни юзига яқин келтириб ўқиди:

“Азизам,

Булфинч хоним вазиятни ўзгартириш илинжида бу ердан кетишга қарор қилди. Усиз қолишни хоҳламаганим учун мен ҳам кетаяпман. Адабиётдан тўйдим, санъатдан ҳам чарчадим. Булфинч хонимни никоҳ масаласи қизиқтирмайди. Бироқ ажрашмоқчи бўлсанг, у менга турмушга чиқишга рози.

Булфинч хонимнинг ўрнига янги ошпаз ёлладим ва у сенга маъқул бўлади, деб умид қиламан. Булфинч хоним икковимиз Кенингтон Роуд, 411-уй яшаяпмиз.

Алберт”

Оғир сукунатни жаноб Симмонснинг: “Эрингизни ортга қайтаришингиз керак”, деган гапи бузди.

— Унинг башарасига қарашни ҳам истамайман! — деди Форестер хоним ҳаммага эшиттириб. Лекин жаноб Симмонс пинагини ҳам бузмай гапини давом эттирди:

— Йигирма йилдан бери сизнинг ходимингизман. Мени кадрдон дўстингиздай кўрасиз. Сизга очиғини айтишим керак, ёзаётган китобларим билан тирикчилик қиламан, деб ўйласангиз янглишасиз.

— Эримни деб ошпаз билан ёқалашмайман-ку, ахир! — деди миссис Форестер фиғони фалакка чиқиб.

— Шуни айтмоқчи бўлиб турувдим ўзи, — деди Симмонс зарда билан. — Машҳур раққосами ёки бирор зодагон аёлнинг сизга тиши ўтмайди-ю, лекин ошпаз дабдалангизни чиқаради.

— Ходимингиз тўғри айтаяпти, — деди меҳмонлардан бири. — Филателистни ортга қайтаришингиз керак.

— Эртага бориб, эрингиз билан учрашинг, хўпми? — деди жаноб Симмонс. Форестер хоним бир оз жим турди-да, ниҳоят деди:

— Хўп, лекин ўзим учун эмас, ижодим учун!

Эртасига Форестер хоним Кеннингтон Роудга йўл олганида кун яримлаганди. Жаноб Симмонс телефонда манзилни миридан сиригача тушунтиргани боис хоним Алберт яшаётган уйни қийналмай топди. Қўнғироқни босган эди эшикни собиқ ошпази очди.

— Хайрли кун, Булфинч, — деди Форестер хоним. — Хўжайинингни кўрмоқчи эдим.

Миссис Булфинч бир сония анграйиб турди-да, кейин хонимни ичкарига бошлади.

— Кираверинг, мэм, Алберт, сени кўргани Форестер хоним келибди.

Хоним тез-тез юриб ичкарига кирди. Алберт камин ёнидаги эскирган оромкурсига ястаниб кечки газета ўқиётганди.

— Қалайсан, азизам? — деди у газетани бир четга кўяркан, хуш кайфиятда. — Яхши юрибсанми?

— Ўтиринг, мэм, — таклиф қилди стул келтирган Булфинч хоним.

— Алберт, сен билан ёлғиз гаплашсам майлими? — сўради хоним ўтиргач.

— Афсуски бунинг иложи йўқ, — деди Алберт. — Чунки менинг Булфинч хонимдан яширадиган сирым йўқ.

— Ўзинг биласан.

— Хўш, азизам, менда нима гапинг бор эди? — сўради Алберт.

Форестер хоним унга қараб жилмайди.

— Алберт, мен сени бирор нарсада айбламайман. Биламан, бўлиб ўтган воқеада сенинг айбинг йўқ, сендан хафа эмасман. Лекин ҳар қандай ҳазилнинг ҳам чегараси бўлади. Сени уйга олиб кетгани келдим.

— Вақтингни бекорга ўтказаяпсан-да, азизам, — деди Алберт. — Энди мени ҳеч нарса сен билан яшашга мажбур қилолмайди.

— Мен билан бахтли эмасмининг? — сўради Форестер хоним кўнгли озор чекканини сездирмаслик учун паст овозда.

— Азизам, турмуш қурганимизга ўттиз етти йил бўлди. Бу жуда узоқ муддат, тўғрими? Сен, аслида, яхши аёлсан, лекин биз бир-биримизга тўғри келмаймиз. Сен адабиёт деб яшаяпсан, мен эса йўқ. Сен санъатни яхши кўрасан, мен эса унга қизиқмайман.

— Лекин сени санъатга, адабиётга қизиқтириш учун шунча йил қўлимдан келгунча уриндим, — деди миссис Форестер.

— Гапинг тўғри, эътиборсизлигим учун фақат ўзимни айблашим мумкин, холос. Лекин очиги, сен ёзаётган китоблар менга ёкмайди. Атрофингдаги одамлар ҳам ёкмайди. Сенга битта сирни айтайми, азизам? Сен уюштираётган меҳмондорчиликларингда уст-бошимни ечиб ташлаб, томоша қилгим келади — қани, кейин нима бўларкан, шуни билишни хоҳлайман.

— Уялмайсанми, Алберт? — деди Булфинч хоним. — Бунинг учун келишган қадду қомат бўлиши керак одамда!

— Булфинч хоним ишдан бўшашимни хоҳлаяпти, — гапини давом эттирди Алберт. — Бугун шерикларим билан иш масаласини муҳокама қилдик, ҳамма икир-чикирларни ҳал қилишга рози бўлишди. Улар менинг улушимни сотиб олишади, шунда тўққиз юз фунтга яқин фойда оламан. Уччовимизга йилига уч юз фунтдан тегади.

— Бу пулга мен қандай яшайман? — деди миссис Форестер миясига келган сўнгги баҳонани ишга солиб.

— Ахир, сенинг ўтқир қаламинг бор-ку, азизам.

— Китобларимдан бир тийин фойда келмаётганини сен яхши биласан. Ноширлар уларни чиқариб, нукул зарар кўришаётган экан.

Шу пайт кутилмаганда Булфинч хоним савол берди:

— Детектив асар ёзсангиз бўлмайдими?

Форестер хоним хоҳлаб кулиб юборди.

— Мен-а?! — хитоб қилди у. — Қандай бемаъни таклиф! Оломоннинг кўнглини олиш ҳақида ҳечам ўйламаганман. Шу ёшга кириб бирор марта детектив китоб ўқимаганман хатто.

— Яхши таклиф, — деди Алберт.

— Детектив асарлар менинг жону дилим, — деди миссис Булфинч. — Кутубхонада тунги қўйлақда ўлиб ётган аёл ҳақида ёзинг, мазза қилиб ўқийман.

— Шахсан менга Гайд паркда, қўлида тилла соати бор, ўлдириб кетилган обрўли жентлмен ҳақидаги асар ёқади, — деди Алберт. — Обрўли жентлмен, албатта, китобхонни қизиқтириб қўядиган бирор-бир сабаб туфайли ўлдирилади-да.

— Нима демокчилигингни тушуниб турибман, — деди Булфинч хоним. — Ўша жентлмен қандайдир муҳим сирни билган. Қотиллар унга шу сирни айтмасанг ўлдирамиз, дейишган. Жентлмен улардан қочиб кутулолмаган.

— Биз сенга шунга ўхшаш жуда кўп воқеаларни гапириб беришимиз мумкин, азизам, — деди Алберт Форестер хонимга меҳрибонлик билан жилмайиб. — Мен юздан ортиқ детектив китобни ўқиганман.

— Сен-а?

— Миссис Булфинч билан иноқлигимизга ҳам шу китоблар сабаб бўлган. Ўқиб тугатгач, уларни хонимга берардим. Биласанми, бир-бирига ўхшаш иккита детектив китобни тополмайсан. Қиёсласанг бири биридан фарқ қилади.

Форестер хоним ўрнидан турди.

— Орамизда қандай жарлик борлигини энди тушундим, — деди у хиёл титраган овозда.
— Ўттиз йилдан бери инглиз адабиётининг энг олди вакиллари даврасида бўлиб, шунча вақт фақат детектив роман ўқигансиз! Кетиб қолганинг сабабини ўзимча ўйлаб, сени уйга қайтариш учун келгандим бу ерга. Энди ниятимдан қайтдим.

— Тўғри қиласан, азизам, — деди Алберт. — Лекин детектив ёзиш ҳақида, албатта, ўйлаб кўргин.

Форестер хоним зинадан пастга тушди. Булфинч эшикни очиб, таксида кетасизми, деб сўраганда, у бош чайқади:

— Трамвайда кетаман.

— Жаноб Форестерга ўзим кўз-кулоқ бўламан, хоним, хавотир олманг, — деди Булфинч Форестер хонимни трамвай бекатига кузатиб бораркан. — Уйга қараш, овқат пишириш кўлимдан келади. Алберт ўзига бирор-бир машғулоти топади, албатта. Почта маркаларини йиғиш ҳақида ўйлаётганди.

Форестер хоним нимадир демоқчи бўлди-ю, трамвай келганини кўриб, унга чикди.

Хоним соат неча бўлганини сўрамоқчи бўлиб қаршисида ўтирган одамга қаради ва сесканиб кетди. Чунки рўпарасида тилла соат таккан обрўли жентелмен ўтирарди. Бу Алберт Гайд паркта ўлиб ётганини гапирган жентелменнинг ўзгинаси эди. Жентелмен ҳайдовчидан трамвайни тўхтатишни сўради ва тушиб тор, қоронғи кўчага кириб кетди. Нега? Нима учун? Гайд парк бекатида хоним кутилмаганда трамвайдан тушишга қарор қилди. У энди бир жойда ўтира олмасди. Яёв юргиси келаётганини ҳис қилаётганди. Ахиллес ҳайкали ёнидан ўтаётганида бир дақиқа тўхтаб уни томоша қилди. Форестер хонимнинг юраги тез ураётганди. Эдгар Алан Подек ёзувчи ҳам детектив романлар ёзган-ку, ахир...

Форестер хоним ниҳоят уйига келиб, эшикни очганида даҳлиздаги бир талай шляпаларга кўзи тушди. Улфатлари жамулжам эди. Хоним меҳмонхонага кирди.

— Оҳ, бечорагиналар, мен сизларни шунча вақт куттириб қўйдимми? — деди у. — Чой ҳам ичмадингларми?

— Хўш? — дейишди меҳмонлар. — Эрингизни олиб келдингизми?

— Азизларим, сизларга ажойиб бир янгилик айтмоқчиман. Мен детектив китоб ёзмоқчиман.

Меҳмонлар оғизларини очганча анқайиб хонимга қараб қолишди.

— Детективни ҳақиқий санъат даражасига кўтармоқчиман. Бу фикр Гайд паркта миямга келиб қолди. Қисса қотиллик ҳақида бўлади. “Ахиллес ҳайкали” деб ном қўяман!

— Алберт нима бўлди? — сўради ёш ёзувчи.

— Алберт? — ҳайрон бўлди миссис Форестер. — Қандайдир иш билан Албертнинг ёнига борганим ёдимда. Лекин нима учун борганимни ҳеч эслолмаяпман.

— Уни кўрдингизми ўзи?

— Айтяпман-ку, азизим. У эсимдан чиқиб кетди.

Форестер хоним кулиб юборди.

— Алберт ошпази билан яшайверсин. Алберт ҳақида бош қотиришга энди вақтим йўқ.
Детектив асар ёзмоқчиман.

— Ажойиб аёлсиз-да! — дейишди меҳмонлар.

Инглиз тилидан

Алишер ОТАБОЕВ таржимаси.